

Кирк икки фарзанднинг отаси

Шайх хазратларига Хак субхонаху ва таоло кирк икки фарзанд бериб эди. Булардан ўттиз тўккизтаси ўгил ва учтаси киз эди. Шайх вафотидан сўнг булардан ўн тўрт ўгил ва уч киз хаёт эди. Бу ўн тўрт ўгилнинг бариси ўз илмига амал килувчи олим, комил, яхши асарлар муаллифи, каромат ва валийлик сохиби эди.

Шайхнинг ўзи саводсиз эди. Йигирма икки ёшида тавба тавфики топиб, токка чикди. Ўн саккиз йил риёзат тортганидан сўнг унга ладуний илмлар эшигини очиб, халкни тўгри йўлга хидоят килишига амр этилди. Тавхид, маърифат, хикмат ва тарикат бобида уч юз той когоздан ортик хажмда асарлар яратибдики, хеч бир олим ва хаким уларга эътиroz килолмайди. Чунки бу асарларнинг барчаси Куръон оятлари ва Хадиси шариф хукмлари билан асослангандир.

Омонатга хиёнат рано эмас!

Шайхнинг хирка пири Хазрат Шайх Абусаид Абулхайрдир. Бунинг тафсилоти куйидагича: Шайх Абусаиднинг ибодат чогида киядиган муборак бир хиркаси бор эди. Айтишларича, бу хирка амир ал-мўминин Абубакр Сиддик (р.а.)дан мерос колганди. Шайхлар силсиласи оркали бу хирка Шайх Абусаид Абулхайрга етиб келганди. Навбат бу кишига келганда, хиркани унга кўрсатдилар ва амр килдилар: «Ўзингдан кейин бу хиркани Ахмадга колдир!» Шайх ўз фарзанди Абу Тохирга деди:

- Менинг вафотимдан бир неча йил ўтгандан сўнг баланд бўйли, мовий кўзли, Ахмад исмли бир ёш йигит сенинг хонакохингга киргай. Ўшанда сен муридлар ўртасида ўтирган бўласан. Албатта, бу хиркани ўша йигитга топширгайсан.

Шайх Абусаид ўлим тўшагида ётганда ўгли Абу Тохир кўнглида: «Канийди, отамизга насиб этган валийлик мартабаси бизга мерос бўлиб ўтсади», деган истак пайдо бўлди.

Шайх кўз очиб деди:

- Сиз орзуисида бўлган валийликни бошка бирорвга топширдилар, бизнинг шайхлигимиз байрогини бошка бир харобот эшигига ўрнатдилар ва хар ишки бизда эди, унга таслим килдилар.

Бу сўзлардан муддао нималигини хеч ким англамади.

Шайхнинг вафотидан бир неча йил ўтгач, бир кеча Шайх Абу Тохир тушида отаси бир неча дўстлари билан шошилиб, бир томонга кетаётганини кўрибди. Отасидан сўради:

- Эй Шайх, каён шошмоқдасиз?

Шайх деди:

- Сен хам келки, Кутби авлиё келадур.

Энди кўшилиб бормокчи эди, уйгониб кетди.

Бошка бир куни Шайх Абу Тохир хонакохида ўтирганди. Эшикдан Шайх Абусаид вассиятида киёфасини тасвиrlаб берган йигит кириб келди. Шайх Абу Тохир уни дарров таниди. Одамгарчилик юзасидан иззатини жойига кўйди, аммо ортикча илтифот кўрсатмади. Улугвор отанинг табаррук хиркасини бериб юборишга кўнгли бўлмай турувди, ул йигит деди:

- Эй Хожа, омонатга хиёнат рано эмас.

Шайх Абу Тохир хушвакт бўлиб бориб, хиркани отаси ўз муборак кўллари билан илиб кўйган жойдан олиб келтириб, ул йигитнинг эгнига солди. Бу йигит - Шайхул-ислом Ахмади Жом (к.с.) эди. У кишидан олдин бу хиркани машойихдан йигирма икки киши

кийганди, охири Ахмади Жомга насиб этди. Ундан сўнг бу хирка каён борганини хеч ким билмади.